

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

СТРАТЕГИЯ – АМАЛДА

Нодавлат нотариуслари институти тикланади

«Ривожланиш стратегияси» марказида «Нотариал идоралар халқ учун ишлаши керак» мавзудаги ижтимоий сўров натижаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

НОТАРИУС

Тадбирда адлия вазири ўринбосари А.Усмонов, Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиги ўринбосари И.Қудратов, Тошкент адлия бошқармаси бошлиги А.Сафоев, Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиги ўринбосари А.Сарабеков қатнашдилар.

Марказнинг расмий сайтида ўтказилган сўровда Ўзбекистоннинг барча вилоятдан 1 104 фуқаро қатнашди. Респондентларга нотариал идораларнинг хизмат кўрсатиш тартиби, давлат божлари миқдорлари ва ҳ.к. ҳақида хабардорликларига оид саволлар берилди.

Марказ ижрочи директори А.Бурҳонов сўров якунлари ҳақида хабар берди:

1) фуқароларнинг 32,1%и сўнгги ойда нотариуслар хизматларидан фойдаланган;

2) респондентларнинг 64,9%и нотариал идоралар ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларига гувоҳ бўлган;

3) респондентларнинг 678 нафари нотариал идоралар ходимлари преysкурантда кўрсатилганидан қўпроқ тўлов сўраган;

4) сўралганларнинг 788 нафари нотариал тасдиқ олишни узоқ кутган;

5) 771 респондент талаб этилаётган ҳужжатлар рўйхатини қисқартириш, ҳужжатлар айланишини мақбуллаштириш ва ягона маълумотлар базасини яратиш зарур деб ҳисоблайди;

6) 691 киши нотариал хизматлар учун тўловлар тизимини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг очиқ-ошкоралигини таъминлаш лозим деб ҳисоблайди;

7) 588 респондент нотариат соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва хусусий нотариуслар ҳисоби-

га идоралар сонини кўпайтириш кераклигини айтган.

Сўров натижаларини шарҳлар экан, адлия вазири ўринбосари А.Усмонов ҳақиқатан нотариал идоралар фаолиятида қатор камчиликлар мавжудлигини айтди. Ноқонуний хатти-ҳаракатларни фош этиш мақсадида 312 та рейд ўтказилган. Натижада 5 нафар нотариус ишдан бўшатишган, 27 та ходимга нисбатан жиноят ишлари кўзгатишган, 67 нафарига нисбатан эса интизомий жазо қўлланган.

Хизматлар нархи оширилиши юзасидан вазир ўринбосари йўриқномага биноан нотариуслар аҳолидан тўғридан-тўғри пул олишга ҳақли эмасликларини айтди. Давлат божларини нотариал идораларга бевосита яқин орада жойлашган банклар касаларида тўлаш зарур. Давлат божларининг аниқ миқдорлари кўрсатилган преysкурантлар идораларнинг ҳам, банкларнинг ҳам махсус эълонлар тахтасида илиб қўйилган.

Узоқ навбат кутиш муаммоси ҳақида гапирар экан, И.Қудратов у ёки бу туманда нотариуслар сонини кўпайтириш ёки камайтириш ҳақидаги қарор йиллик мониторинг ва уларнинг фаолияти таҳлили якунларига кўра қабул қилинишини йиғилганларга маълум қилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 541 та нотариал идора фаолият юритади, уларда 747 нафар нотариус ишлайди.

Нотариуслар сўрайдиган ҳужжатларни қисқартириш юзасидан мунтазам иш олиб борилади. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ «Нотариус» ахборот тизимлари

мажмуи ишга туширилади, у идоралараро ҳужжатлар айланиши воситасида зарур маълумотномалар тўплашни автоматлаштириш имконини беради. Оддий қилиб айтганда, нотариуслар барча маълумотномаларни мустақил равишда сўрайдилар ва оладилар, бу кўрсатилаётган хизматлар сифатини сезиларли даражада оширади, фуқаролар ва тадбиркорларнинг вақтини тежайди. Электрон навбат тизими ҳам синовдан ўтказилмоқда ва яқин орада ишга тушади. Адлия вазирлиги сайтида нотариал хизматлар ҳақини ҳисоб-китоб қилиш учун калькулятордан фойдаланиш мумкин.

Турар жой ёки автомобиль олди-сотдисиди мол-мулк бошқа шахсга берилиши тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги ҳақида албатта маълумотнома талаб қиладилар. Мол-мулкнинг ахборот базаси яратилса, ушбу ҳужжатни тақдим этиш зарура ти йўқолади. Жорий йилнинг тўртинчи чорагида ҳужжатлар нусхалари тўғрилигини шаҳодатлаш вазифаси нотариус ёрдамчиларига топширилади. Нотариал тартибда албатта тасдиқланадиган битимлар сонини ҳам камайтириш режалаштирилмоқда.

Рақобатни ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ва аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида нодавлат, бюджетга қарашли бўлмаган нотариуслар фаолиятига рухсат этилиши ҳам кутилмоқда. Қарор лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда, у йил охиригача қабул қилиниши мўлжалланган.

Жаҳонгир Тўрахонов, «Norma Online» эксперти.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Ички истеъмол бозоридаги нархлар барқарорлаштирилади

Президентнинг 23.06.2017 йилдаги ПҚ-3082-сон қарори билан республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турлари билан ишончли таъминлашга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар маълумланди.

Аҳоли дори-дармонлар ва ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланади

Молия вазирлиги йил охирига қадар бюджетдан молиялаштириладиган соғлиқни сақлаш муассасалари – оилавий поликлиникалар, шошилинч ва тез тиббий ёрдам муассасалари учун дори воситалари ва тиббиёт буюмларини харид қилишга 70 млн АҚШ доллари миқдорига қўшимча маблаг ажратди.

Шунингдек Ички истеъмол бозорида нарх-навои барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси (юридик шахс мақомига эга бўлмаган) ташкил этилди. Бошланишига Молия вазирлиги эквиваленти 100 млн АҚШ долларига тенг маблагларни Жамғармага ўтказди. Жамғарма маблаглари озиқ-овқат товарларига бўлган талаб ва тақлифларнинг мавсумий ва бошқа жадал ўзгаришларини силлиқлаштиришга йўналтирилади. Бу, биринчи навбатда, гўшт, ўсимлик мойи ва ҳайвон ёғи, галла, ун, картошка, сабзи, бошпёз, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа муҳим озиқ-овқат товарларига тегишлидир.

Вазирлар Маҳкамаси Ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Республика комиссияси қарорларидан кейин, танлов асосида, ички бозорда етишмаётган энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини солиб олишни (шу жумладан импорт қилинишини) энг қисқа муддатларда ташкиллаштирилади. Маҳсулотлар махсус савдо шохбчалари орқали сотилади.

Бунинг учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Жамғарма маблаглари ҳисобидан импорт қилинадиган ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турлари 1.04.2018 йилгача божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилади.

2-бетда

Ушбу сонда:

Боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсиянинг турли жиҳатлари

Меҳнат дафтарчаларини пенсионерларга қайтаришади, йиғмажидга эса нусхасини тикишади

3-6-БЕТЛАР

7-БЕТ

Ўзбошимча қурилган иморатлар тақдири

8-БЕТ

Кимёгарнинг «олтин» ҳунари



Ички истеъмол бозоридаги нархлар барқарорлаштирилади

Тўлов-шартнома асосида ўқиш баҳоси оширилмайди

Хужжатда 2017/2018 ўқув йилида тўлов-шартнома асосида олий таълим муассасаларида ўқиш (бакалаврият, магистратура) баҳоси 2016/2017 ўқув йили даражасида сақланиб қолганини алоҳида қайд этилган.

Тадбиркорлар учун кредит олиш осонлашади

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма тадбиркорлик субъектларининг банк кредитлари бўйича фоизларни тўлаш харажатларининг бир қисmini компенсация қилади ва улар бўйича кафолатларни тақдим этади. Саноат, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини, шунингдек ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларини амалга ошириш молиявий қўллаб-қувватланади.

Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент нархни шакллантиришдаги қонунбузарликларга қарши курашади

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг қўшимча вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

➤ ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларига (юртимизда ишлаб чиқарилган ўсимлик мойи ва ун, гўшт, шакар), шунингдек, шелуха ва шротга бўлган нарх-навои сунъий оширишга, уларга бўл-



ган танқислик ва ажиотаж талабнинг вужудга келишига йўналтирилган қонунга хилоф ҳаракатларни аниқлаш ва чек қўйиш;

➤ марказлаштирилган ресурслар ҳисобидан озиқ-овқат товарлари, пахта шроти ва шелухасини харид қилиш, етказиб беришлар ва сотишда суиистеъмолликлар ва коррупцияга қарши курашиш;

➤ ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарлари, шунингдек, шелуха ва шротни сотишда нарх-навои шакллантиришнинг белгиланган механизмларига риоя этилишини тизимли ўрганиш, аниқланган қонун бузилишлари бўйича материалларни қонун ҳужжатларига мувофиқ чора кўриш учун ваколатли органларга йўналтириш;

➤ назорат қилувчи органлар ва бозорлар маъмурияти ходимлари томонидан йўл қўйилган коррупция, улар томонидан бозорлар фаолиятини ташкил этишнинг белгиланган тартиблари ва қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик, шу жумладан, нархларни асоссиз кўтариш, уларнинг ҳудудларида ўз фаолиятини норасмий олиб бораётган шахсларга нисбатан чоралар кўрмаслик ҳолатларини аниқлаш.

Бу – муҳим! Департамент юридик шахслардан (уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар) ва фуқаролардан ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарлари, шелуха ва шротга бўлган нархларнинг оширилиши, нарх-навои манипуляция қилиш, танқислик ва уларга ажиотаж талабни сунъий равишда вужудга келтириш, уларни харид қилиш, етказиб бериш ва сотишда суиистеъмолликлар ва коррупцияга қарши курашиш ҳолатларини ўрганиш учун зарур бўлган маълумотлар ва тушунтиришларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

Департамент томонидан бундай ҳолатларни аниқлаш бўйича олиб бориладиган тезкор-қидирув чора-тадбирлари молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳисобланмайди ҳамда бунда Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгашининг махсус рухсати талаб этилмайди.

Департамент томонидан олиб борилган тезкор-қидирув чора-тадбирлари натижалари (таҳлилий материаллар, текширув харидлари ёки назорат харидлари натижалари бўйича олинган товар ёки қасса чеклари, шунингдек, қонун бузилишини тасдиқловчи чекларни бермаслик ҳолатларини қайд этиш) кейинчалик қонунбузарликларнинг кенг миқёсини нархларни ошириш усуллари ва механизмларини аниқлаш учун зарур ҳолларда Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгашининг махсус рухсати талаб этилмаган ҳолда молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун асос ҳисобланади.

2018 йилдан битирувчилар учун даромад солиғи камайтирилади

Президентнинг 5.07.2017 йилдаги ПФ-5106-сон Фармони билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2017 йил 30 июнда бўлиб ўтган IV қурултойида шундай қарор қабул қилинди. 30 июнь «Ёшлар кўни» деб эълон қилинди.

Айни вақтда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси (Президент девонининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича янги ташкил этилган хизмати раҳбари) ва Президент томонидан тайинланган Олий



Мажлис Сенатининг аъзоси Иттифоққа раислик қилади.

1.01.2018 йилдан бошлаб кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган ЯСТ тушумларининг 8%и Иттифоқни молиялаштиришга ўтказилади. Шу вақтдан бошлаб таълим муассасасини тамомлаганига 3 йил бўлмаган битирувчилардан даромад солиғи биринчи йил учун 50%, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25%га камайтирилади.

2017–2018 ўқув йилидан бошлаб мактаб, коллеж ва лицейларда «ёшлар етакчилари» фаолият юритадилар. Ҳар бир ўрта мактабда бунинг учун

алоҳида штат бирлиги жорий этилади, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида эса «ёшлар етакчиси» бўлиш вазифаси юклатилган олий маълумотли ўқитувчиларнинг иш ҳақиға 50%лик устама белгиланади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура босқичлари талабаларига ўртача ўлаштириш кўрсаткичи 86% ва ундан юқори бўлган тақдирда таълим бўйича тўлов контракт миқдорининг 35%и Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

Хужжатда ёшлар ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ходимлари учун яна бир қатор имтиёзлар келтирилган.



ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 18 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари3157,17	1 Малайзия ринггити942,30
1 Англия фунт623,11	1 Польша злотийси1102,21
1 Дания кронаси5295,64	1 СДР5620,94
1 Дания кронаси623,11	1 Туркия лираси1143,40
1 БАА дирҳами1100,62	1 Швейцария франки4191,70
1 АҚШ доллари4042,47	1 ЕВРО4613,28
1 Миср фунти225,08	10 Жанубий Корея вонини35,82
1 Исландия кронаси39,04	10 Япония иенаси358,98
1 Канада доллари3193,61	1 Россия рубли67,51
1 Хитой юани597,20	1 Украина гривнаси155,37

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўзиб қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмасин.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	17.07.2017	1	1,7022	1	1,9509	1	0,0288
Арманистон	17.07.2017	1	478,68	1	548,47	1	8,09
Беларусь	18.07.2017	1	1,9513	1	2,2331	100	3,3025
Грузия	17.07.2017	1	2,4015	1	2,7411	100	4,0304
Қозғонистон	17.07.2017	1	326,72	1	372,89	1	5,48
Қирғизистон	18.07.2017	1	69,4325	1	79,5037	1	1,1755
Молдова	17.07.2017	1	18,1567	1	20,7214	1	0,3049
Россия	18.07.2017	1	59,0657	1	67,6184	—	—
Тожикистон	17.07.2017	1	8,8114	1	10,0600	1	0,1449
Туркменистон	18.07.2017	1	3,5000	1	4,0065	100	5,8997
Украина	17.07.2017	100	2 601,7657	100	2 969,9155	10	4,3449

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

• СТРАТЕГИЯ – АМАЛДА

– Нодавлат нотариуслари институти тикланади **1-бет**

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Валюталар курси **1-2, 7-бетлар**

• ПЕНСИЯ ИШИ

– Бир киши ҳамма учун
– УЖКХдаги пенсионерлар «десанти»
– Бировнинг масъулиятсизлиги учун жавоб берамизми?
– Бадаллар тўланмаган бўлса...

– Туман коэффиценти ҳақида батафсил

– Стаж йўқолмайди

– Меҳнат дафтарчаси – пенсионерга

– Хусусий клиника – бепул

3-6-бетлар

• ШАҲАРСОЗЛИК

– Иморат ўзбошимчилик билан қурилганда

7-бет

• КРИМИНАЛИСТ ЭКСПЕРТ ЁН ДАФТАРИДАН

– Олтин васвасаси

8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақида ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetaları birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Ушбу сон мавзуси нафақат газетамиз таҳририятига, балки Пенсия жамғармаси бўлимларига ҳам энг кўп келиб тушадиган саволлардан ташкил топган. Мутахассис тушунтиришлари юзга келган вазиятлардан чиқишда ёрдам беради.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газета-мизнинг gazeta@norma.uz ва ntv@norma.uz электрон манзилларига йўлланг.

Мутахассис тушунтиради

Бир киши ҳамма учун

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси давлат томонидан кафолатланган пенсиялар сирасига киради. ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқаролар муқоабатларини кўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи Зафаржон Хўжаев пенсия тўловларининг ушбу тури ҳақида ҳикоя қилади.

– Ушбу пенсияни олишга ким ҳақли?

– Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси, бундан кейин – Қонун).

Марҳумнинг 16 ёшга тўлмаган болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ва набиралари ушбу тоифага киради.

Айрим ҳолларда 16 ёшдан катта бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари ҳам, башарти 16 ёшга тўлмасдан ногирон бўлиб қолган бўлсалар, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин.

Шуни қайд этиш лозимки, 16 ёшга тўлмаган болалиқдан ногирон боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ҳам, болалиқдан ногиронлик нафақасини ҳам бир вақтинг ўзида олишга ҳақли. Бироқ 16 ёшга

БУГУНГИ СОНДА:

УЖКХдаги
ПЕНСИОНЕРЛАР
«ДЕСАНТИ»

Қонунчиликдаги
янгилик

5

БАДАЛЛАР
ТЎЛАНМАГАН
БЎЛСА...

Ҳисобга киритиб
бўлмайдиган стаж

6

МЕҲНАТ
ДАФТАРЧАСИ –
ПЕНСИОНЕРГА

Қайтарилиши керак

ХУСУСИЙ
КЛИНИКАГА – БЕПУЛ

Ҳужжат лойиҳаси
муҳокамада

7

7–8

Маълумот учун!

Пенсия ёшига (эркаклар – 60 ёшга, аёллар – 55 ёшга) тўлмаган шахслар, шунингдек I ёки II гуруҳ ногиронлари бўлмаган шахслар меҳнат қилишга қобилиятли ота-оналар сирасига киради.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот кўмағида тайёрланди.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

тўлғач, тўловнинг фақат 1 тури – пенсия ёки нафақани ола бошлайдилар (Низомнинг 18-банди 2–4-хатбошилари, ВМнинг 7.04.2011 йилдаги 107-сон қарорига 1-илова).

Башарти ака-укалар, опа-сингиллар ва набираларнинг меҳнат қилишга қобилиятли ота-оналари бўлмаса, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олишга ҳақли бўладилар.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган фарзандлар, улар фарзандликка олинганларида ҳам бу ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

Ўғай ўғил ва ўғай қиз, агар улар ота-оналаридан алимент олмаган бўлсалар, ҳақиқий фарзандлар сингари пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бир вақтнинг ўзида ўқувчилар 18 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Қуйидагилар ҳам боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин:

➤ ота, она, ўғай ота, ўғай она, хотин, эр, башарти, улар Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёшига (эркаклар – 60 ёшга, аёллар – 55 ёшга) тўлган ёки ногирон (I ёки II гуруҳ) бўлсалар;

➤ ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъи назар, ота ва онадан бири ёки эр (хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга (МКнинг 234-моддаси 1 ва 2-қисмларига мувофиқ 2 ёшга) тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса;

➤ бува ва буви – агар қонунга мувофиқ уларни боқиш шарт бўлган кишилар бўлмаса.

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, агар фуқаро, айтиллик, барча турдаги – ёшга доир, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияларини олишга ҳақли бўлса, унга ўзи танлаган битта пенсия тайинланади.

Пенсияларнинг бир турини олган пенсионер Қонунга мувофиқ унга бўлган ҳуқуқ мавжуд бўлган тақдирда пенсиянинг бошқа турига ўтказиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Пенсиянинг бир туридан пенсиянинг бошқа турига ўтказишда тайинланган пенсияни тўлаш тўхтатилади ва қонун ҳужжатлари билан қўйиладиган талабларга мувофиқ бошқа турдаги пенсия тайинланади (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 133-банди).

Одатда бошқа турдаги пенсияси боқувчисини йўқотганлик пенсиясидан камроқ бўлган кишилар ушбу ҳуқуқдан фойдаланадилар.

МИСОЛ. Аёлнинг ёшга доир пенсияси 292 минг сўмни, турмуш ўртоғининг вафот этганлиги муносабати билан боқувчисини йўқотганлик пенсияси эса 350 минг сўмни ташкил этади. У боқувчисини йўқотганлик пенсиясига ўтиш ҳуқуқига эга.

Эр (хотин)нинг вафот этганлиги сабабли тайинланган пенсия пенсионер янги никоҳдан ўтганида ҳам сақланиб қолишини қайд этиб ўтмоқчиман.

– **Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини расмийлаштириш учун қандай ҳужжатлар зарур бўлади?**

– 252-сон Низомнинг 14-бандига мувофиқ, ушбу пенсияни тайинлашни сўраб мурожаат қилган шахснинг аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши керак:

➤ пенсия тайинланаётган шахснинг ёшини тасдиқловчи туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт;

➤ оила аъзосининг вафот этган боқувчи билан қариндошлик муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатлар (никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома, никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, у бўлмаган тақдирда – фуқаролик ҳолати далолатномаларидаги ёзувдан кўчирма, ваколатли ташкилотларнинг ёки хорижий давлатлар мансабдор шахсларининг маълумотномаси);

➤ боқувчининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки унинг бедарак йўқолганлиги тўғрисида суднинг қарори;

➤ вафот этган боқувчининг иш стажини, шу жумладан, махсус иш стажини тасдиқлайдиган ҳужжат;

➤ вафот этган боқувчининг жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси нусхаси (2005 йил 1 январдан кейин);

➤ вафот этган боқувчининг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома.

Бундан ташқари, зарур ҳолларда қуйидагилар тақдим этилади:

➤ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг вафот этган боқувчининг қарамоғидаги оила аъзолари таркиби тўғрисидаги маълумотномаси;

➤ таълим муассасасининг вафот этган боқувчининг



Маъзуевий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

оила аъзолари 16–18 ёшдаги ўқувчилар ҳисобланиши тўғрисидаги маълумотномаси;

➤ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг вафот этган боқувчининг ота-онасидан бири, турмуш ўртоғи, буvasи, буvisи, акаси (укаси) ёки опаси (синглиси) вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набиралари, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан бандлигини ва ишла-маётганлигини тасдиқловчи маълумотномаси;

➤ бахтсиз ҳодиса ва соғлиқнинг ишлаб чиқаришда бошқа шикастланиши тўғрисидаги ҳужжат ёки агар боқувчининг вафоти меҳнатда майибланиш оқибатида содир бўлган бўлса – бошқа расмий ҳужжат.

Шунингдек, вафот этган боқувчининг номига расмийлаштирилган (ёзилган) ҳужжатлар (252-сон Низомининг 12-банди «а»–«п» кичик бандларида кўрсатилган) тақдим этилади.

Боқувчи-пенсияер вафот этган тақдирда ушбу бандда кўрсатилган зарур ҳужжатлар тақдим этилиши керак, вафот этганнинг пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдида мавжуд бўлган ҳужжатлар бундан мустасно.

Пенсия жамғармаси бўлими аризага боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқи ногиронлик оқибатида бериладиган оиланинг катта ёшдаги аъзосига ТМЭКдан олинган ногиронлик тўғрисидаги маълумотноманинг тегишли қисмини илова қилади.

– **Ушбу пенсия (боқувчининг стажи, иш ҳақи) қандай ҳисобланади?**

– Боқувчисини йўқотганлик пенсияси миқдорини ҳисоблаш тартиби Қонуннинг 21 ва 22, 25–29 ва 31-моддаларида белгиланган.

Чунончи, меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган боқувчининг оиласига, шунингдек марҳум пенсионернинг оиласига пенсия боқувчининг иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Башарти, боқувчи вафот этган кунга қадар унга ногиронлик пенсияси тайинлангани учун зарур иш стажига эга бўлган (Қонуннинг 17-моддаси) бўлса, умумий касаллик ёки иш билан боғлиқ бўлмаган майиб бўлиш оқибатида вафот этган боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади:

Ёш	Иш стажи (йилларда)
23 ёшга қадар	2
23 ёшдан 26 ёшга қадар	3
26 ёшдан 31 ёшга қадар	5
31 ёшдан 36 ёшга қадар	7
36 ёшдан 41 ёшга қадар	9
41 ёшдан 46 ёшга қадар	11
46 ёшдан 51 ёшга қадар	14
51 ёшдан 56 ёшга қадар	17
56 ёш ва ундан ошганда	20

МИСОЛ. Агар боқувчи 37 ёшда вафот этган бўлса, зарур иш стажи 9 йилни ташкил этади.

Пенсия миқдори иш стажи даврига боғлиқ бўлади ҳамда пенсиянинг базавий миқдоридан, иш стажи учун пенсия оширилишидан ва унга устама ҳақлардан шаклланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясининг базавий миқдорлари қуйидача:

➤ оиланинг ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз аъзосига – пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30%и миқдоридан, бироқ ёшга доир энг кам пенсиянинг 50%идан кам эмас ($292\,940 \times 50\% = 146\,470$ сўм);

➤ иккала ота-онасини йўқотган болаларга (чин етимларга) боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун ёки вафот этган ёлғиз онанинг болаларига ҳар бир бола учун – пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30%и, бироқ ёшга доир энг кам пенсиянинг 100%идан кам эмас ($292\,940$ сўм).

Оиланинг ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз аъзосига пенсияни тайинлаш учун талаб қилинадигандан ортиқ иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ушбу пенсиянинг базавий миқдорлари (Қонуннинг 37–40-моддалари) – боқувчи ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5%ига оширилади.

МИСОЛ. 37 ёшда вафот этган боқувчи 15 йиллик иш стажига эга бўлган. Талаб этиладиган иш стажи 9 йилни ташкил этади. Боқувчининг ўртача ойлик иш ҳақи 1 500 000 сўмни ташкил этган. Бироқ пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун 8 ЭКИХдан ортиқ бўлмаган ўртача иш ҳақи ($8 \times 149\,775 = 1\,198\,200$ сўм) қабул қилинади. Оиланинг битта меҳнатга қобилиятсиз аъзоси учун пенсия миқдори 395 406 сўмни ташкил этади:

базавий миқдор – 359 460 сўм ($1\,198\,200 \times 30\%$);
иш стажи учун пенсия оширилиши – 35 946 сўм ($1\,198\,200 \times ((15 - 9) \times 0,5\%)$).

Иккала ота-онасини йўқотган болаларга (чин етимларга) тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсияларни ошириш ЭКИХнинг 8 баравари миқдори доирасида иккала ота-онанинг иш ҳақи умумий миқдоридан амалга оширилади.

Бунда иккала ота-онасини йўқотган болаларга (чин етимларга) тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияси миқдори иккала ота-онанинг умумий иш стажи миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади, яъни пенсия тайинлаш ва талаб этиладигандан ортиқ стаж учун пенсияни ошириш иккала ота-онанинг умумий иш стажи миқдори бўйича амалга оширилади.

Чин етим мақомини сақлаб қолган ҳолда, мурожаат этганнинг хоҳиши бўйича ота-онадан бирининг иш стажи ва иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган пенсия-

нинг энг кўп миқдори тайинланади (252-сон Низомнинг 109-банди).

Агар вафот этган боқувчининг иш стажы талаб этилганидан кам бўлса, иш стажы тўлиқ бўлмаганда пенсия мавжуд стажга мутаносиб миқдорда тайинланади: аввал тегишли тўлиқ пенсия аниқланади; ушбу пенсия талаб этиладиган иш стажы ойлари сонига бўлинади; олинган сумма ҳақиқатдаги стаж ойлари сонига кўпайтирилади.

МИСОЛ. Агар вафот этган боқувчининг иш стажы 4 йил, 37 ёш учун талаб этиладиган иш стажы эса – 9 йил бўлса, тўлиқ пенсия миқдори (9 йиллик стаждан келиб чиқиб ҳисобланган) 108 ойга (9 йил x 12 ой) бўлинади ва 48 ойга (4 йил x 12 ой) кўпайтирилади.

Шуни назарда тутиш лозимки, ҳатто иш стажы тўлиқ бўлмаганда ҳам боқувчисини йўқотганлик пенсияси қуйдаги миқдордан кам бўлмаслиги керак:

➤ оиланинг ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун – ёшга доир энг кам пенсиянинг 50%идан ($292\ 940 \times 50\% = 146\ 470$ сўм);

➤ иккала ота-онасини йўқотган болаларга (чин етимларга) боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун – бироқ ёшга доир энг кам пенсиянинг 100%идан ($292\ 940$ сўм).

Фуқароларнинг айрим тоифалари тайинланган пенсия

туридан қатъи назар, пенсияга устама ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин (Қонуннинг 28-моддаси).

– **Пенсияни бир киши оладими ёки оиланинг ҳар бир аъзосими?**

– Оиланинг пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган барча аъзоларига битта умумий пенсия тайинланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ўзига олувчи шахслар ишга қабул қилинганда ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тузилганда, уларга пенсия иш жойидан 50% миқдорда амалга оширилади (пенсияларини тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эга пенсионерлардан ташқари).

Бошқа оила аъзоларига (васийликка олинганларга) боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи ишловчи фуқароларга (васийларга) пенсиялар, уларнинг яшаш жойидан тўлиқ миқдорда тўланади (АВ томонидан 30.04.2011 йилда 2222-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 6-банди).

– **Баъзан оила аъзоларидан бири бошқа туман ёки шаҳарда яшайдиган ҳоллар учрайди. Бу ҳолда унга тўловларнинг бир қисми ажратиладими, бунинг учун нима қилиш керак?**

– Яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига ўзига пенсия улушини тайинлаш ёки ажратиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш зарур. Тегишли хабарнома оиланинг барча аъзоларига пенсия ҳужжатларини расмийлаштирган ёки ушбу оиланинг амалдаги пенсия ҳужжатлар йиғмажилди турган Пенсия жамғармаси бўлимига юборилади. Хабарномага ариза ва янгидан мурожаат қилган оила аъзосининг пенсия олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар илова қилинади. Ушбу ҳолатда пенсия мурожаат қилинган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан бошлаб тайинланади.

Пенсия ишини расмийлаштиришнинг барча ҳолларида оила ҳар бир аъзосининг пенсияга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайдиган барча ҳужжатлар тикиб қўйилади.

Маълумот учун!

Вафот этган боқувчи иш стажига эга бўлганда боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади. Иш стажы тўлиқ бўлмаганда, агар камида 1 ой ишлаган бўлса, пенсия тайинланиши мумкин. Қонуннинг 1-моддаси 4-қисмига мувофиқ, иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилалари ушбу Қонунга биноан давлат пенсиялари олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Уларнинг ижтимоий таъминланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Қонунчиликдаги янгиликлар

УЖКХдаги пенсионерлар «десанти»

Президент 6.07.2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари пенсионерлари ижтимоий муҳофаза қилинишини янада такомиллаштириш чора-тадбирларига доир 17.02.2017 йилдаги Фармониغا қўшимча киритиш бўйича Фармонни имзолади. Давлат раҳбарининг матбуот хизмати (www.president.uz) шу ҳақда хабар берди.

Ҳужжатда белгиланишича, 1.08.2017 йилдан бошлаб Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизими ташкилотларида бошқарув ходимлари сирасидаги мутахассислар сифатида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи Мудофаа вазирлиги, ИИБ, ФВВ, МХХ ва ДБҚ ҳарбий хизматчилари ва ходимларидан бўлган пенсионерларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланади*.

Агар юқоридаги фаолият пенсионернинг ягона иш жойи бўлса, пенсия тўлиқ миқдорда тўланади.

Мамлакат уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимига ҳарбий хизматчилар ва ходимлар сирасидан бўлган пенсионерларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 25.07.2017 йилгача бўлган муддатда ишлаб чиқилади.

Самир Латипов, «Norma Online» эксперти.

*ЎзР Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари, Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси, Қўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳудудий инспекциялари билан бирга ва «Коммунизмат» агентлиги.

Расмий жавоб

Бировнинг масъулиятсизлиги учун жавоб берамизми?

? Микрофирмада ишловчи ходимнинг пенсияга чиқадиган пайти келди. Барча маълумотномалар тўп-ланди. Маълум бўлишича, 2014 йилда ШЖБПХга бадаллар тўланмаган, бинобарин, улар бўйича Халқ банкига реестрлар топширилмаган, сабаби микрофирмада ўтган давр учун ортиқча тўлов мавжуд бўлган. Энди Пенсия жамғармасининг туман бўлимида ходимнинг 2014 йилги стажи ҳисобга олинмаяпти. Туман ижтимоий таъминот бўлими ходими ушбу вазиятда ходимнинг стажини ҳисобга олмасликка ҳақ-лими?

Н.Цепкова, бухгалтер.

— Жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солигининг тегишлича камайтирилган суммаси ҳисобига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари шакл-ланади («Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-мод-даси).

Реестрда жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчи ҳў-жалик юритувчи субъектнинг барча ходимлари, шу жумладан ўриндош-лик бўйича ишловчи ва фуқаро-

лик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишларни бажарувчи ходимлар (агар ушбу ходимлардан қонун ҳужжатла-рига мувофиқ жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқ ушлаб қолинса) кўрсатилади (Низом-нинг 17-банди 2-хатбошиси, ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарорига 2-илова).

Солиқ кодексда жисмоний шахс-ларнинг солиқ ҳисобланадиган да-ромадлари белгиланган (171–178-моддалар). Ходимнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадла-рига (Солиқ кодексининг 172-мод-

даси) Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари (Солиқ кодексининг 306-моддаси) ҳам ҳисобланади.

Бундан келиб чиқишича, агар шахсий жамғариб бориладиган ҳис-обварақларга ажратмалар қилинган бўлса, тегишинча, Пенсия жамғарма-сига сугурта бадаллари ҳам ушлаб қолинган.

Пенсия жамғармаси бўлими инс-пектори ариза берувчининг солиқ тўловчининг идентификация рақа-ми ва ШЖБПХга асосан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, унинг иш стажы,

Мавзுவий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

иш ҳақи ва ҳисобланган сугурта бадаллари суммасини ўзаро солиштиради (АВ томонидан 17.11.2011 йилда 2282-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 13-банди 2-хатбошиси).

Ушбу масалани 2 хил йўл билан ҳал қилиш мумкин.

1. Агар ШЖБПҲга бадаллар реестри мазкур ташкилотдаги барча ходимлар бўйича тақдим этилган, ушбу реестрда пенсионернинг маълумотлари мавжуд бўлмаса, Пенсия

жамғармаси бўлимининг хатти-ҳаракатлари тўғри.

Ушбу вазиятда реестр тўғри тўлдирилганлигини ҳам аниқлаш лозим, сабаби у Халқ банкига хатолар билан тақдим этилган бўлиши мумкин. Бу ҳолда иш берувчи хатоларни тузатиши ва янги реестр топшириши зарур. Фақат шундан кейингина Пенсия жамғармаси бўлими муайян даврни иш стажига киритиш масаласини қўшимча равишда кўриб чиқади.

2. Агар муайян вақт даври учун мазкур ташкилотнинг барча ходимлари бўйича ШЖБПҲга бадаллар реестри тақдим этилмаган бўлса, Пенсия жамғармаси бўлимининг хатти-ҳаракатлари ҳуқуққа зид, сабаби ходим иш берувчи Халқ банкига реестрни ўз вақтида тақдим этиши учун жавобгар эмас. Пенсия жамғармаси бўлими ташкилотнинг бухгалтерия ҳужжатлари асосида ушбу давр иш стажига киритилишини кўриб чиқиши лозим.

Бадаллар тўланмаган бўлса...

? *Меҳнат стажини ҳисоблаётганда Россия Федерациясидаги фирмалардан бирида 1997–1998 йилларда ишлаган давримни Ўзбекистон Пенсия жамғармасига бадаллар тўланмаганлигини рўқач қилиб, инобатга олмадилар. Пенсия жамғармаси ходимлари ҳақлими?*

А.Д., Тошкент ш.

– Ҳа, Пенсия жамғармаси ходимлари ҳақли. Чет элда ишланган даврлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган сугурта бадаллари тўланган тақдирда меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади (Қонуннинг 40-моддаси).

Пенсия таъминоти соҳасида Мус-

тақил Давлатлар Ҳамдўстлиги қатнашчилари бўлган давлатларнинг фуқаролари ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги битимнинг (Москва, 13.03.1992 й.) 6-моддасига мувофиқ, пенсияга, шу жумладан кўп йил ишлаганлик учун имтиёзли асосдаги пенсияга бўлган ҳуқуқни белгилаш учун Битимга аъзо давлатлар фуқароларининг ушбу давлатларнинг

исталгани ҳудудида, шунингдек собиқ Иттифоқ ҳудудида мазкур Битим кучга киргунча, яъни 1992 йил 13 мартгача эга бўлган иш стажига ҳисобга олинади.

Тегишинча, Ўзбекистон фуқароларининг 1992 йил 13 мартдан кейинги иш даври Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланганда ҳисобга олинади.

Туман коэффиценти ҳақида батафсил

? *Мен Навоий вилоятида яшаб, ишлаб келаман. Яқинда пенсияга чиқаман. Эшитишимча, пенсияни ҳисоблашда туман коэффиценти инобатга олинмас эмиш. Шу тўғрими?*

Р.Худойбергенов. Навоий вилояти.

– Ҳақиқатан ҳам, қонун ҳужжатларида пенсия миқдорларини ҳисоблаб чиқаришда туман коэффицентларининг қўлланиши назарда тутилмаган. Ушбу норма фақат ходимларнинг иш ҳақиға нисбатан амал қилади (ВМнинг 20.04.1992 йилдаги 200-сон қарори).

Пенсия миқдори республика ҳудудида расман белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори, шунингдек ёшга доир энг кам пенсия миқдорини қўллаган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Президентнинг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонлари билан барча учун ягона энг кам иш ҳақи миқдорлари ва ёшга доир пенсиялар белгиланади. Бунда уларда иш ҳақиға туман коэффицентлари жорий этилган ҳудудларда

энг кам иш ҳақи ва ёшга доир пенсия миқдорлари бошқа миқдорларда, шу жумладан туман коэффицентини қўллаган ҳолда қабул қилинишини белгилловчи норма мавжуд эмас.

Тегишинча, пенсиялар миқдорларини ҳисоблаб чиқаришда энг кам иш ҳақи ва ёшга доир пенсиялар миқдорлари Президент қарорлари билан тасдиқланган миқдорда, туман коэффицентини ҳисобга олмаган ҳолда қабул қилиниши шарт.

Бунда ишловчиларнинг иш ҳақиға минтақавий коэффицент белгиланган ҳудудларда яшовчи шахслар ва оилаларга пенсия тайинлашда минтақавий коэффицент эътиборга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амалдаги иш ҳақи ҳисобга олинади (Қонуннинг 33-моддаси).

Стаж йўқолмайди

? Амаким ногиронлик пенсиясини олади, бироқ ишлашда давом этмоқда. Агар у ёшга доир пенсияга чиқса, ногиронлик пенсиясини олган ҳолда эга бўлган стажини ҳисобга оладиларми?

Раҳим И. Тошкент ш.

– Пенсияни қайта ҳисоблаш пенсионер пенсия миқдорига таъсир кўрсатувчи, масалан, пенсия тайинланишига бўлган иш ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳамда бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда амалга оширилади (Қонуннинг 49-моддаси).

Сизнинг ҳолатда ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейинги иш вақти ёшга доир пенсияни

ҳисоблаб чиқиш учун иш стажига қўшиб ҳисобланади (252-сон Низомнинг 54-банди).

Бироқ шуни назарда тутиш лозимки, илгари шахснинг ёшига доир тайинланган пенсияни пенсияларнинг бошқа турларидан биттаси бўйича тўловнинг тўхтатилиши муносабати билан тиклашда ёшга доир пенсия тайинлангандан кейин эга бўлган иш ва иш ҳақи ҳисобга олин-

майди. Пенсияни ҳисоблаш учун ўртача ойлик иш ҳақи ёшга доир илгари тайинланган пенсиядан олдинги ишнинг охириги 10 йилдан келиб чиққан ҳолда, тиклаш вақтида амалда бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилган пенсияни ҳисоблаш учун иш ҳақи ва иш стажини ҳисоблаш шартлари қўлланган ҳолда аниқланади (252-сон Низомнинг 137-банди 3-хатбоши).

Меҳнат дафтарчаси – пенсионерга

? Қариндошларим – пенсионерлар Қариши вилоятидаги туманлардан бирида истиқомат қиладилар. Саккиз йил аввал пенсияга чиққанлар. Уларнинг меҳнат дафтарчалари Пенсия жамғармаси бўлимида қолган. ПЖ ходимлари уларни қайтаришлари керак эдими ёки улар пенсионернинг шахсий йиғмжилда қолдими?

К.Авдеева. Тошкент ш.



– Ҳақиқатан ҳам, илгари (2010 йилгача) Пенсия жамғармаси бўлимлари пенсионерларнинг меҳнат дафтарчаларини сақлаш учун қолдирар ва уларни пенсия йиғмжилдларига тикиб қўяр эдилар. Бироқ баъзан меҳнат дафтарчалари йўқолиб қолар, бу пенсионерларнинг норозилигига сабаб бўлар эди.

Амалдаги қонун ҳужжатларида пенсияни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин меҳнат дафтарчалари қайтарилиши назарда тутилган (АВ томонидан 17.11.2011 йилда 2282-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 11-банди). Пенсия йиғмжилдига Пенсия жамғармаси ходими ёки нотариус тасдиқлаган меҳнат дафтарчаларининг нусхалари тикиб қўйилади.

Қариндошларингиз ўз меҳнат дафтарчаларини олишни сўраб Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Зафаржон Хўжаев,

ЎзР МВ ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари

Хусусий клиникага – бепул

ҚХТБТ порталида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг «Солиқ имтиёзлари тақдим этилиши натижасида бўшайдиган маблағлар ҳисобидан хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан аҳоли ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатишининг тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори лойиҳаси муҳокама қилинди.

Маевуви сонни мухбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (1.04.2017 йилдаги ПҚ-2863-сон) билан аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатадиган (стоматология ва косметология хизматларидан ташқари) хусусий тиббиёт муассасалари, жумладан, хорижий инвесторлар иштирокидаги хусусий тиббиёт муассасалари 1.01.2022 йилгача қуйидаги барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилган, бунда бўшаган маблағлар:

➤ уларни замонавий тиббий, муҳандислик-техник ускуналар билан жиҳозлаш, уларга сервис-техник хизмат кўрсатиш, тиббиёт мақсадлари учун эҳтиёт қисмлар, материаллар, инвентарь ва бошқа буюмлар харид қилишга;

➤ тиббий хизматлар кўрсатиш учун янги бинолар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга;

➤ аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатишга йўналтирилиши белгиланган.

Лойиҳага доир тақлиф: лойиҳада тақлиф этилаётган Низом талабларига риоя этмаганлик учун хусусий тиббиёт муассасаларига аниқ жавобгарлик чоралари назарда тутилмаган.

Биринчидан, бепул тиббий хизматлар кўрсатишни асоссиз рад этиш ҳуқуқбузарлигининг қандай тури: солиққа оид ҳуқуқбузарлик ёхуд лицензия талаблари ва шартларига риоя этмаслик ҳисоблангани лойиҳада аниқ қайд этилмаган. Чунинчи, Нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасига мазкур мажбурият тўғридан-тўғри киритилмаган, лицензия талаблари ва шартлари рўйхатида эса ҳатто хусусий тиббиёт ташкилоти қонун ҳужжатларига риоя этиши зарурлиги ҳақида эслатма, яъни бланкет изоҳи ҳам мавжуд эмас.

Иккинчидан, имтиёз эгасига бепул тиббий хизматлар

Хусусий клиникаларда бепул тиббий хизмат (стоматология ва косметология хизматларидан ташқари) кўрсатиш ҳуқуқидан қуйидагилар фойдалана олишлари назарда тутилган:

- болаликдан ногиронлар;
- чин етимлар;
- I ва II гуруҳ ногиронлари;
- 1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар;
- ёшга оид пенсияга чиққан ишла-майдиган шахслар;
- 1941–1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат жабҳасининг қатнашчилари;
- Чернобиль АЭС фалокатини туғатишда иштирок этган шахслар жумласига кирувчи ногиронлар;
- байналмилалчи жангчилар;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилаларга мансуб шахслар.

Хусусий клиникалар аҳолининг мазкур тоифалари учун бепул тиббий хизматлар кўрсатиши – мажбурий. Бунинг учун мурожаат этувчи унинг шахсини ва имтиёзли тоифага мансублигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим

этиши асос бўлиб хизмат қилади.

Бепул кўрсатиладиган хизматларнинг турлари ва ҳажми лицензияда кўрсатилган ихтисосликлар доирасида ташхис қўйиш ва даволаш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан мустақил равишда белгиланади. Бироқ уларнинг миқдори бундан аввалги ҳисобот даврида солиқ имтиёзлари тақдим этилиши натижасида ҳақиқатда бўшаган жами маблағларнинг 25%дан кам бўлмаган қисmini ташкил этиши лозим. Бунда аниқ хусусий тиббиёт ташкилотиди тиббий хизматларга белгиланган ўртача нархлар ҳисоб-китоб учун қабул қилинади.

Хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан имтиёзли тоифадаги шахсларга кўрсатилиши режалаштирилган бепул тиббий хизматларнинг йиллик тақсимоти тўғрисидаги ахборот ташкилотлари қараверишда, маълумотлар пештахтасида жойлаштирилади. Ушбу ахборот ва хусусий тиббиёт ташкилотларига мурожаат қилган имтиёз эгалари ҳақидаги маълумотлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги сайтидаги махсус электрон базага киритиб борилади.

кўрсатишни асоссиз рад этиш солиқлар бўйича берилган имтиёзлар муносабати билан бўшаган маблағлардан белгиланмаган мақсадда фойдаланилган тақдирда бу сумма ўрнатилган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга ундириб олинишини назарда тутувчи Солиқ кодексининг 30-моддаси 4-қисми нормаси қўлланишига олиб келадими? Яъни лойиҳада мажбурий хизмат кўрсатишни рад этиш маблағлардан белгиланмаган мақсадда фойдаланиш деб ҳисобланган-ҳисобланмаслиги қайд этилмаган.

Хусусий тиббиёт ташкилотларининг ўз манфаатларини қўлаб ва назорат органларининг қонун ҳужжатлари нормаларини эркин талқин қилишидан уларни ҳимоялаш мақсадида ушбу масалаларни ҳал этиш зарур.

Лойиҳа муҳокама босқичида, унга ўзгартариш ва қўшимчалар киритилиши ёки у рад этилиши мумкин.

Самир Латипов, «Norma Online» эксперти.

Маълумот учун!

Бошқа давлатдан келган шахснинг, шу жумладан, илгари Ўзбекистондан қўчиб кетган шахснинг пенсия йилмажидлини ҳисобга қабул қилиб олишда, унинг бошқа давлатда пенсия олганлигидан қатъи назар, унинг **МИҚДОРИ** мурожаат қилинган вақтда амалда бўлган **ҚОНУН ҲУҶЖАТЛАРИ** талабларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилади.

Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.



Кўриқлаш хизмати арзонлашади

Вазирлар Маҳкамасининг 23.06.2017 йилдаги 421-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари кўриқлаш хизмати фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари белгиланди.

Хужжатда ИИВ фаолиятининг мол-мулкни ва объектларни кўриқлаш самарадорлигини ошириш соҳасидаги муҳим йўналишлари этиб куйидагилар белгиланди:

1) давлат объектларининг, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларнинг, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг кўриқлаш хизмати ташкил этиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

2) кўриқлаш турларини кенгайтириш, кўриқлаш хизмати фаолиятига замонавий технологияларни жорий этиш орқали кўрсатилаётган кўриқлаш ва бошқа хизматларнинг ҳаммабплигини таъминлаш;

3) кўриқланаётган объектлар, шунингдек идоравий кўриқлаш объектларига рухсат бериш режимини, объект ички режимини таъминлаш ва мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини жорий этиш;

4) кўриқланаётган объектларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси механизмни такомиллаштириш, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилиш орқали жинойтларнинг олдини олиш;

5) давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, уларнинг таркибига кирувчи юридик шахслар, шунингдек бюджет ташкилотлари объектлари кўриқлаш хизмати таъминлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чораларни амалга ошириш, идоравий кўриқлашни мувофиқлаштириш ва назорат текширувидан ўтказиш;

6) кўриқланаётган объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация ва кўриқлаш технологияларини жорий этиш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларга кўриқлаш хизматлари кўрсатиш, ушбу йўналишда ягона техник сиёсатни амалга ошириш.

Бу – муҳим! Ички ишлар органларининг кўриқлаш хизматларида тарифлар 1.09.2017 йилга қадар камайтирилади.

Самир Латипов,
«Norma Online» эксперти.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун хужжатларни тайёрлаш. Тўлов – инсталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Бугун шаҳар ва қишлоқларимиз ҳашаматли ва бежирим, ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган иморатлар билан бирин-кетин бўй кўрсатмоқда. Одамлар кўнгилларига хуш ёққан усул ва дизайнга эга уй-жойларни қуришмоқда. Лекин савол тугилади: бу иморатларнинг ҳаммаси ҳам шаҳарсозлик ва ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қурилаяптими? Қонунчилик талабларига зид, ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойларнинг тақдири нима бўлади?

Иморат ўзбошимчалик билан қурилганда...

Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш ҳамда бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш тартиби тўғрисида низоом (ВМнинг 5.07.2017 йилдаги 467-сон қарори билан тасдиқланган) бу масалаларни янада аниқ тартибга соладиган бўлди.

Умумий асослар

Ўзбошимчалик билан қурилган (қурилаётган) уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга қўчмас мулкни, яъни ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш ва бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш ушбу соҳада ваколатга эга давлат органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

«Ўзбошимча иморат» қандай аниқланади?

Ўзбошимчалик билан қурилган иморат куйидаги 3 хил усулда аниқланади:

➤ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ер участкасини ажратиш тўғрисидаги туман (шаҳар) ҳокимининг қарори мавжудлигини;

➤ давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциясининг қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсатномаси ёки уй-жой қуриши учун туман (шаҳар) архитектори билан келишилган якка тартибда ишлаб чиқилган лойиҳанинг мавжудлигини;

➤ шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ қурилганлигини текшириш орқали. Бундай иморатларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш (бузиб ташлаш) ваколати жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари; Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари; Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари; Маданият вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси ва унинг минтақаларо инспекциялари зиммасига юклатилган. Мазкур ваколатли органлар ҳар йили ўзларининг ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш ҳамда бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Жараён қай тарзда бошланади?

Ҳар бир ваколатли идоранинг ҳудудий органи ўзининг Чора-тадбирлар

режасига мувофиқ ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни **муқтақил равишда** ёки бошқа органлар билан биргаликда **аниқлаб боради**.

Ваколатли орган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда:

➤ ўзбошимчалик билан иморатни қуриш учун ер участкасини ажратиш тўғрисидаги туман (шаҳар) ҳокимининг қарори мавжудлигини аниқлайди;

➤ ўзбошимчалик билан қурилган иморат аниқланган тақдирда ушбу иморатни қурган шахсга мазкур қурилишнинг ноқонунийлиги ва унинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида батафсил тушуниришлар беради ҳамда иморатни 15 кунлик муддатда ихтиёрий равишда бартараф этиш (бузиб ташлаш) тўғрисида **далолатнома тузади**.

Ваколатли орган ўзбошимчалик билан иморатни қурган шахсга тегишли далолатномани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакили ва ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори иштирокида топширилишини таъминлайди.

«Ўзим қурдимми – ўзим бузаман!»

Иморатни ўзбошимчалик билан қурган шахс 15 кун муддат ичида уни ўз ҳисобидан бартараф этиши шарт. Мазкур ҳолатни ваколатли орган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан ҳамкорликда **назорат**

ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияга хабарнома киритади.

Комиссиянинг кейинги ҳаракатлари

Комиссия ваколатли органлар томонидан киритилган хабарнома келиб тушган санадан эътиборан 3 иш куни мобайнида Фуқаролик кодекси 212-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бартараф этиш (бузиб ташлаш) тўғрисидаги туман (шаҳар) ҳокимининг даъво аризасини судга киритади. Эътиборли бўлинг, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бартараф этиш (бузиб ташлаш) тўғрисидаги даъво аризасига **далолатнома, баённома, хабарнома**, ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг жойлашув **схемаси, иморатнинг фотосуратлари** (камида тўрт томонидан туширилган) илова қилинади.

Ер участкасини қайтариш

Ер кодексининг 91-моддасига мувофиқ ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади.

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу

Хужжат тили билан

Шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган бўлса, унинг **бу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан**, башарти мазкур участка шу шахсга қурилган иморат учун белгиланган тартибда **бериладиган бўлса**, эътироф этилиши мумкин.

Иморат қурилган ер участкасининг мулкдори бўлган, унга умрбод мерос сифатида эгалик қилаётган, доимий эгалик қилаётган ва фойдаланаётган шахснинг ҳам ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкин. Бу ҳолда иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилган шахс иморат қурган шахснинг харажатларини суд белгиланган миқдорда қоплайди.

Фуқаролик кодекси 212-моддасидан.

қилади. Агар ушбу шахс иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисида судга даъво берган тақдирда даъво берган кундан бошлаб суднинг якуний қарори қабул қилинишига қадар иморатни бартараф этиш вақтинча тўхтатиб турилади.


Ўзбошимчалик билан қурилган иморат бартараф этиш (бузиб ташлаш) учун белгиланган муддат тугагандан сўнг ваколатли орган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан ҳамкорликда 2 иш куни мобайнида ушбу тўғрисида Ер кодексининг 34-моддасига мувофиқ туман (шаҳар)

жумладан ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилади.

Фаррухжон Файзиев,
«Norma Hamkor» МЧЖ
эксперт-консультанти.

«Одамлар металл деб ҳалок бўляпти...» – машҳур операдан олинган ушбу жумла ҳозиргача долзарблигини йўқотгани йўқ. Эксперт амалиётининг гувоҳлик беришича, ғайриқонуний усуллар билан бойишни хоҳлайдиганлар оз эмас. Бунда ҳар бир «тадбиркор» ўз «олтин кони»ни излайди. Бу йўлда улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан хавфли уйинларга кириб, ахлоқ, одоб ва қонун чегараларини эътибордан соқит қиладилар.



Олтин васвасаси

Ялтираган нарсанинг ҳаммаси олтин бўлавермайди

Металллар, қотишмалар ва улардан ясалган буюмларнинг криминалистик экспертизаси халқнинг мазкур нақлини кўп маротаба тасдиқлаган. Бундай экспертиза кўпинча ўғирлик, товланмаслик тусидаги, айрим ҳолларда эса қотишма билан талон-торожлар билан боғлиқ жиноий ишларни тергов қилишда тайинланади.

Ушбу суд-кимёвий экспертизанинг объекти бўлиб қимматбаҳо металллар (кумуш, олтин, платина) ва улар қотишмаларидан ясалган заргарлик буюмлари ҳисобланади. Экспертлар металлларнинг таркиби ва бошқа хоссаларини аниқлашади, уларнинг «проба»сини белгилашади. Кимёвий таҳлилнинг аъёнаний усуллари ва замонавий асбоблар буюмдаги қимматбаҳо металл миқдорини ғоятда аниқлик билан белгилаш имконини беради.

Заводда тайёрланган заргарлик буюмлари тегишли назоратдан ўтгандан кейингина пробир билан тамғаланади. Қимматбаҳо металлнинг аниқ миқдори ўрнатилгандан кейин буюмга тамға қўйилади – масалан, 375, 585, 750-проба деб. Заводда қўйилган тамға ишончли ҳисобланади. Қўл усулида тайёрланган буюмга ишониб бўлмайди.

Шунга қарамай кўп миқдордаги олтинни арзонга сотиб олишни хоҳловчилар ҳар доим топилади, уларни яхши таниш бўлмаган сотувчиларнинг «олтиндан ясалган тоғ-

лар»ни ваъда қилиши йўлдан уради. Ваҳоланки тамға бўлмаса, оддий харидор олтиннинг буюмдаги аниқ миқдорини кўз билан чамайла олмайди, олтин қотишмасини унинг ясамасидан ажрата билмайди. Бундан арзон тақинчоқларни қимматбаҳо заргарлик буюми қилиб кўрсатадиган фирибгарлар фойдаланадилар.

Фуқаро М. қизининг сепи учун тилла тақинчоқларни сотиб олиш мақсадида анчагина маблаг йўғди. Кўп ўтмай останада у яхши танийдиган К. турли хил заргарлик тақинчоқлари билан тўлдирилган суммаси билан пайдо бўлди. У ҳозир пулга жуда муҳтожлигини айтиб, мақбул нархни тақлиф қилди. Барча буюмларда 585-проба тамғаси турганлиги боис, ишонувчан фуқаро М. товарни халта-палтаси билан дарҳол сотиб олди. Кейинроқ тақинчоқлар баътафсил кўздан кечирилганда, уларнинг ҳақиқийлиги борасида дастлабки шубҳалар пайдо бўлди.

Фуқаро М.нинг аризасига биноан милиция ходимлари суд-кимёвий экспертизасини тайинлашди. Текшириш давомида экспертлар буюмларнинг ҳаммаси уларга қўйилган 585-пробага мувофиқ эмаслигини аниқладилар. Элементлар таҳлили баъзи узук ва тўгногичларда ҳатто олтин умуман бўлмаганлигини кўрсатди. Қолган буюмларда қимматбаҳо металллар жуда кам, худди юки сурилгандек экан. Аниқланган далиллар жиноятчилар гуруҳини фош этиш ва товланмаслик қурбонларига етказилган зарарни қоплашда ёрдам берди.

«Фалсафий тош»ни излаб

Қадимда кимёгарлар бир қўл теккизиш билан ҳар қандай нарсани олтинга айлантирадиган «фалсафий тош» рецептини топишга кўп маротаба уринганлар. Бугунда ҳам кон-руда чиқариладиган қимматбаҳо металл олиш ҳаваскорлари оз эмас. Олтин васвасаси ва эҳтирос мия фаолиятини рағбатлантиради, кимёдан оз-моз билимлар Интернетдан олинладиган маълумотлар билан тўлдирилади. Натижада хазина изловчилар ёрдамчи воситалар билан ўз уйлари мўъжаз кимё лабораториясига айлантирадилар.

Чаласавод кимёгарлар таркибида олтин бўлган қуқунлардан қимматбаҳо металлларни айнан қатрама-қатра суғуриб олишмоқчи бўлган мисолларни эксперт амалиётидан кўплаб топса бўлади. Кейинчалик олинган металл чайқов баҳосида солинади ёки қўлбола усулда заргарлик буюмларини тайёрлаш учун ишлатилади. Бироқ даромадли жиноий фаолият эрта-кечми ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан бартараф этилади. Синчиклаб қилинган, хавфли меҳнат ҳам ўз эгасига обрў келтирмайди. Орзу қилинган бойлик ва фаровонлик ўрнига «кимёгар» муқаррар равишда қаттиқ жазо олади.

Текширув давомида фуқаро Ю.нинг ички ҳовлисида кичкинагина устахона топилди, терговнинг таҳминича, бу ерда уй эгаси ноқонуний олтин олган. Экспертизага терговчи

тоғ жинси буюмлари, сариқ рангли бир неча кичик қуйма, ичига эритилган масса солинган идишлар, сариқ қуқун излари бўлган асбоблар, кимёвий реактивларни тақдим этади. Эксперт олдида сариқ рангли моддани идентификациялаш ва аниқланган кимёвий реагентларни қўллаш вазифаси турарди.

Эксперт текшируви сариқ рангли қуймаларнинг олтин миқдори юқори бўлган қотишма эканлигини кўрсатди. Унинг бўлақларидан олинадиган маълумотлар фойдаланиладиган идишда топилди. Олтин қуқун асбоблар ва бошқа инвентарда мавжуд бўлган. Эксперт текшируви натижалари жиноий фаолият – ғайриқонуний ўл билан олтин олиш далилини тасдиқлади.

Шифо бермайдиган дори

Дорихоналарнинг пештахталари турли касаллик ва дардларга даво бўладиган, мамлакатимиз ва хорижда ишлаб чиқарилган турли-туман препаратлар билан тўлган. Бироқ кўпинча қиммат турайдиган дори жонга малҳам бўлмайди, дарддан халос этмайди. Бунга дори таркибининг ўровдаги ёзувга умуман тўғри келмаслиги сабаб бўлиши мумкин.

Дори воситаларини бундай қалбакилаштириш энг долзарб муаммолардан биридир. Бирор-бир таниқли препаратнинг машхурлиги бозорда унинг қалбакиларининг пайдо бўлишига имкон беради. Қалбаки дорилар ташқи кўринишига кўра асл нусхаларидан амалда фарқ

қилмайди, фақат эксперт текшируви давомидагина уларни фош этиш мумкин.

Жиноят ишини текшириш муносабати билан терговчи дори воситаларининг экспертизасини тайинлади. Эксперт тақдим этилган фармацевтик препаратларнинг кимёвий таркибини аниқлаш керак эди. Уларнинг картон ўрови ва блистерларини сиртдан кўздан кечирганда бирор-бир нуқсонлар топилмади.

Бироқ текширувнинг кўрсатишича, эритмалар ва таблеткаларнинг кимёвий таркибида ўровларда қайд этилган модда мавжуд бўлмаган. У организмга зарар етказа олмайдиган, бироқ касалликни ҳам даволамайдиган мутлақо фойдасиз бошқа моддалардан тайёрланган экан.

Эксперт текширувга тўғри келган маълумотга эга бўлмаган халқ табибларидан сотиб олинган ёки олиб қўйилган «мўъжизали таъсир кўрсатадиган» аралашма ва эритмалар ҳам келтирилади. Одатда бундай препаратлар таркибида шакар, крахмал, дорихона мойчагаги ва бошқа ўсимликларнинг экстрактлари бўлади. Бу моддаларнинг ҳаммаси чакана савдода мавжуд, кўпинча улар зарарсиз ва фойдасиздир. Бироқ улар назоратсиз истеъмол қилинганда киши соғлиғи учун хавф тугдириши мумкин.

Эксперт амалиёти товланмаслик ва «енгил топиладиган» пул мухлисларининг топқирлиги, уйдабуронлигини яққол намоиш этади. Кўпинча кишилар ортиқча ишонувчанлиги, анонимлиги тўғрисида алдов қурбонларига айланадилар. Бунда улар моддий зарар кўрадилар, ўз соғлиқлари ва ҳаётларини хавфга қўядилар. Бироқ фирибгарларнинг фаровон яшашлари ҳам узоққа чўзилмайди – ҳуқуқбузарликлар учун уларни муқаррар равишда суд ва ҳақли жазо кутади.

Элленора ПАК,
ЎЗР Адлия вазирлиги
хузуридаги РСЭМ
давлат суд эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Сайдмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нотири – «ТОПРИТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсатқичи – 188. Қўроз ёнчилиги – А3. Ҳажми – 2 босма таъбиқ. Баҳоли келишилган нархда.
Буюртма 1049. Адади 1 095. Газета 2017 йил 17 июль соат 18.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва ҳарид қилиш масалалари
буйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;

Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муносабат қилиш мумкин.